

СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ

Рўзиев Ўктам Ўлмасович

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий
мактаби Фуқаролик йўналиши бўйича 1-гуруҳ тингловчиси*

Ҳар бир оила тадбиркорлик билан шуғулланиши керак

Шавкат Мирзиёев

Аннотация: Ўзбекистонда ҳокимиятлар тақсимланиш тамойилига кўра, суд тизими ва ундаги ислохотлар муаллиф томонидан таҳлил этилган. Суд жараёнида кредит муносабатларининг хорижий таҳрибаси ва миллий қонунчилик ўрганилган. Бозор иқтисодиётида кредит тизимининг шаклланиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари муҳим бўлиб, мазкур муносабатларни тартибга солишда суд жараёнларини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф мазкур мақолада ана шу жиҳатларни иноватга олган ва ўрганган

Калит сўзлар: суд, ислохот, иқтисодиёт, тадбиркор, бизнес, солиқ, кредит, қарор

Сўнгги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди. Суд ҳокимияти органлари фаолиятида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминланиши билан бирга суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратилгани, ҳамда судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтирилгани муҳим янгиликлардан биридир.

Иккинчидан, фуқаро, тадбиркорлар ўз ҳуқуқларини қонуний ҳал этишда махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигининг таъминланганига ишонч ҳосил қилишмоқдалар. Эътиборли жиҳати, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобиль қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтирилган ва иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратилгани тадбиркорлар учун энг қулай имкониятдир.

Зеро, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги муваффақият кўп жиҳатдан тадбиркорликнинг муваффақиятига боғлиқлигини таъкидлади. Янги Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам замонавий ва кучли иқтисодиётни кенг миқёсда қуриш ва сўзнинг ҳар бир маъносида рақобатбардош давлатни шакллантириш билан шуғулланиш имкониятига эга.

Иқтисодий ўсиш суръатлари ва тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир етувчи муҳим омиллардан бири бу давлат томонидан тадбиркорларга, шу жумладан банкларга виждонсиз контрагентлар олдида ўз манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишга имкон берадиган ҳуқуқий нормаларни ўз вақтида яратиш ва такомиллаштиришдир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ҳар йили тадбиркорликни ривожлантириш, уни қўллаб қувватлаш ва уларга кўмак бўлиш учун чиқараётган Фармонларининг учдан иккисида ҳам айнан тадбиркорларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар, жумладан, уларнинг фаолиятини имтиёзли молиялаштиришга қаратиб келинмоқда.

Жумладан, 2024 йил ҳам “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди. Мазкур йилнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, ёш тадбиркорлар учун давлат томонидан имтиёзли кредитлар берилиши, шароитлар яратилишига алоҳида эътибор қартилади ва унинг ҳуқуқий асослари берилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 14.09.2023 йилдаги ПҚ-306-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорларига кўра, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича «узлуксиз хизматлар занжири»ни яратиш мақсадида Бизнесни ривожлантириш банки тадбиркорлик учун Дастурни самарали амалга ошириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк этиб белгиланган.

Бу ислохотларда инсон манфаати устунлиги, барчанинг қонун олдида тенглиги Янги Ўзбекистоннинг бош мақсади, бўлиб, мазкур мақсадни таъминлашда суд ҳокимитининг ўрни муҳимдир. Айнан, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони далиллар мақбуллиги масаласини аниқлаштиришда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекснинг 95-моддасига 2018 йил 4 апрелда далилларнинг мақбул эмаслигига оид янги нормалар киритилган эди. Шу боис ҳам, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга устувор эътибор қаратилиши

натижасида судлар мустақиллиги ва одил судловга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди. Бир суд – бир инстанция Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони суд инстанцияларининг камайиши ва назоратнинг тўлиқ бекор қилинишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Фармон доирасида бир қатор муҳим натижаларга эришилди. Мамлакатимиз ҳаётининг бошқа соҳалари каби суд тизими фаолиятига ахбороткоммуникация технологияларини жорий этилиши ҳам муҳим янгилик бўлиб, Ўзбекистон президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори мазкур соҳани ҳуқуқий жиҳатдан янги поғонага олиб чиқди. Натижада фуқаро ва тадбиркорлар масофадан туриб, судларга электрон шаклда мурожаат қилиш ва суд ҳужжатларини шу тартибда олиш; иккинчидан, фуқарони овора қилмаган ҳолда судья томонидан ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали иш учун зарур ҳужжатларни онлайн тарзда олиш; учинчидан, дунёнинг исталган нуқтасидан туриб, суд мажлисида мобиль видеоконференцалоқа тизими орқали иштирок этиш; тўртинчидан, суд қарорларини иштирокчиларга инсон омилисиз онлайн тақдим этиш; бешинчидан, фуқаро судларда ишларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб боришига шароит яратиш; олтинчидан, Олий суднинг Интерактив хизматлар портали орқали фуқаро суд биносига ташриф буюрмасдан туриб, низосини масофадан ҳал қила олиш ҳуқуқига эга бўлишди. Жумладан, 2018 йилдан “E-SUD” ягона марказлаштирилган ахборот тизими амалда қўлланилиб келсада, эндиги бу рақамлаштириш тизим унинг мантиқий давоми сифатида қулайлик яратди. Тадбиркорларимиз учун эса, ҳам вафтдан, ҳам ортиқча сарф харажатдан енгил ва қулайдир. 2018 йил декабрдан суд қарорлари интернет тармоғида эълон қилинмоқда. Ҳозирга қадар қарийб 2 миллион суд қарори шу тармоқда эълон қилинган.

Суд жараёнида судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкӣ ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Эътиборли жиҳати, 2020 йил 4-сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра, ҳудудларда судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот

технологиялари университети ва унинг филиалларига бириктирилгани ижобий натижа бермоқда.

Олий суд Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар кейинги йил учун судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш юзасидан ҳудудлар кесимида тармоқ жадваллари тасдиқланган ҳамда амалга оширилмоқдаки, бу амалиёт фақат ва фақат фуқаролар муаммоларини қонуний ечимини топишда адолат тарозиси бўлмоқда.

Энг асосий янгилик сифатида Судьялар олий мактабида судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув дастурларига судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича алоҳида ўқув модули киритилгани ҳар бир тингловчи учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янгиланган Конституцияда давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминланишга қаратилган қоида мустаҳкамлангани мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга, инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлашга ва давлат тузилмаларининг масъулиятини оширишга, иккинчидан, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга, хусусий мулк ҳимоясини янада кучайтиришга ҳамда инвестиция бозоридаги рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, тадбиркорларнинг ўз фаолиятини янада эркин амалга ошириши учун ҳуқуқий кафолатлар таъминланди, тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашда эркин бўлишди, инвесторлар ҳуқуқ ва манфатлари ҳимояси кучайтирилди, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатлангани муҳим конституциявий кафолт бўлиб, суд ҳокимиятининг асосий вазифаси ана шу кафолатни ҳимоя қилишдир. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 65-моддасида «Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас»лиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган экан, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда суд кафолатини конституциявий даражада мустаҳкамланишини англатади.

Суд кафолати хусусий мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд қарорисиз маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини англатади. Бу кафолат хусусий мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи мулкдорнинг эрки-хоҳишидан қатъий назар, мажбурий тарзда бекор бўлаётганда қўлланилиши назарда тутилган. Бунда суд томонидан

мулк ҳуқуқини бекор бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида объектив тарзда кўриб чиқилади. Албатта, мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда ҳам асоссиз равишда хусусий мулкдан маҳрум этилмаслигини кафолатлайди. Мажбурий равишда мулкидан маҳрум этилиши устидан бундай тарзда суд назоратининг ўрнатилиши мулкнинг дахлсизлиги принципига риоя қилиш мақсадида белгиланган конституциявий кафолатларни таъминлайди.

Бу нормалар халқаро ҳужжатларда ҳам белгиланган бўлиб, масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17-моддасида «Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас»лиги белгиланган. Шунингдек, хусусий мулк дахлсизлиги ҳамда ундан суд қарорисиз маҳрум этилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормалар Франция, Германия, Дания, Индонезия, Грузия каби давлатлар конституцияларида акс эттирилган. Деярли барча ривожланган давлатларда хусусий мулк ҳуқуқи суд ҳимоясига олинган. Бу, авваламбор, одил судлов институтига бўлган ишонч, унинг холислиги, мустақиллиги ва эркинлиги билан боғлиқ. Суд ҳимояси мулк ҳуқуқининг асоссиз, қонунга хилоф равишда чекланишининг олдини олади ва хусусий мулкнинг ишончли ҳимоясини таъминлайди. Ўз навбатида, бу хусусий мулк дахлсизлиги кучайишига ва Ўзбекистоннинг Иқтисодий эркинлик индексидаги (Economic Freedom Index) «Мулкчилик ҳуқуқи» йўналиши бўйича эгаллаган ўринларининг яхшиланишига ижобий таъсир қилади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги ПҚ-292-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. LexUZ

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.09.2020 й. N ПҚ-4818 қарори. <https://nrm.uz/>